

● Президент

## ПРЕЗИДЕНТ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИ ТАБРИКЛАДИ

ҚР Маданият ва спорт ишлари вазири Асхат Ҳуралов спорт ва батут гимнастикаси бўйича жаҳон кубогида олтин медални қўлга киритган қозоғистонлик гимнастикачилар Нариман Қурбанов, Милад Карими, Пирмаммад Алиев ва Данил Мусабаев билан учрашди.



Вазирлик хабарига кўра, йиғилишда мураббийлар, тиббиёт ходимлари ҳамда Қозоғистон гимнастика федерацияси президенти Алия Юсупова иштирок этди. Вазир уларни яқинда эришган ютуқлари билан табриклаб, вазирлик Ташаккурномасини топширди. У, шунингдек, Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг табрик мактубини ўқиб эшиттирди.

– Сизларни тарихий ғалабаларингиз билан табриклайман. Қозоғистонлик спортчилар улкан салоҳиятга эга ва менинг вазир сифатидаги бурчим – сизларни муносиб қўллаб-қувватлаш. Чунки, спорт қисқа давр ичида эришиб бўладиган нарса эмас, бу бир умрлик меҳнат ва рағбатни талаб қилади.

Ушбу ғалабага дахлдор барча ходимларга миннатдорчилик билдираман. Умид қиламизки, бу узоқ йўлнинг бошланиши холос ва бўлажак Осиё ва Олимпия уйинларида муваффақиятлар тилайман, – деди Асхат Ҳуралов.

## ЭКОЛОГИЯ ВАЗИРИ БМТ БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШДИ



Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий захиралар вазири Зулфия Сулейменова БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Бош котиб Антониу Гутерриш билан учрашди.

Вазирлик матбуот хизмати хабарига кўра, З. Сулейменова БМТ Бош котибига Қозоғистоннинг сув захираларини барқарор бошқариш соҳасидаги режалари ҳақида маълумот берди. Бош котиб Қозоғистоннинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади ва Қозоғистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш соҳасидаги фаол нуктаи-назарини қайд этди.

24.kz.

● Жаҳонда

## ФРАНЦИЯДА ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТИГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

Францияда ҳукуматнинг пенсия ёшини 62 ёшдан 64 ёшга кўтариш тўғрисидаги қарори туфайли юзага келган инқироз давом этмоқда. Пайшанба куни бутун мамлакат бўйлаб миллиондан зиёд одам пенсия ислоҳотига қарши намоийшларда иштирок этди. Парижда полиция билан тўқнашувлар бошланди. Бордода мэриянинг эшиги ёндирилди. Бу ҳақда Kazinform BBCга таяниб хабар беради.

Франция президенти Эммануэль Макрон мутлақо зарур деб ҳисоблаган ислоҳотга қарши намоийшларнинг тўққизинчи кунидир. У январь ойида кўриб чиқиш учун таклиф қилинган ва ўтган ҳафта мамлакат раҳбари уни парламент овозсиз маъқуллаган ва бу инқирозни янада кучайтирган.

Душанба куни ҳукумат атиги етти овоз билан парламентга ишонсизлик билдирди.

Парижнинг айрим ҳудудларида тартибсизликлар бошланди. Намойишчиларнинг кичик гуруҳлари полицияга тош ва пиротехника отишди, улар кўздан ёш оқизувчи газ билан жавоб берди.

Ҳудди шундай намоийшлар Франциянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтди.

Ниццеда намоийшчилар аэропорт биносини қамал қилишди.

Қасаба уюмлари норозилик намоийшларини муваффақиятли деб эътироф этди, чунки мамлакат аҳолиси президент Макрон ва ҳукуматга ўз фикрини билдиришга муваффақ бўлди. Улар одамларни 28 апрель сешанба куни яна кўчага чиқишга қақирмоқда.

## ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ «РАДИОАКТИВ ЦУНАМИ»  
КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ЯДРО ҚУРОЛИНИ  
СИНОВДАН ЎТКАЗДИ

КХДР жорий ҳафтада «радиоактив цунами» келтириб чиқаришга ва душманларга яширинча ҳужум қилишга қодир бўлган янги сув ости ядро қуролини синовдан ўтказганини маълум қилди, деб хабар беради Kazinform мухбири Yonhap агентлигига таяниб.

Ядровий каллак ўрнатилган ва «радиоактив цунами»ни келтириб чиқаришга қодир янги сув ости дронининг синовлари сешанба куни Жанубий Хамгён провинциясининг Ривон округи қирғоқларида ўтди.

КХДР маълумотларига кўра, «маҳфий қурол» 2021 йилда «Хайль» сув ости ядровий жанговар дрони номи билан олган ва сўнгги икки йил ичида унинг устида 50дан ортик синов ўтказилган.

Қозоғистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

## ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА КИМЛАР САЙЛАНДИ

2-бет

## НАВРЎЗ – ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРНИНГ УМУМИЙ ҚАДРИЯТИ

3-бет

## ШОГИРД КАМОЛИ – УСТОЗ МУРОДИ

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 28 март, сешанба, №33 (3229).

## ЭНЕРГЕТИКА – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

### ПРЕЗИДЕНТ «ГАЗПРОМ» КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ АЛЕКСЕЙ МИЛЛЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев «Газпром» бошқаруви раиси Алексей Миллер билан энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди.

Шунингдек, учрашув давомида газ соҳасида янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди. Давлат раҳбари бу лойиҳалар энергетика тизими барқарорлигига ҳамда иқтисодиёт тармоқларига сармоя оқими янада кўпайишига замин яратишини, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни ривож-

лантиришининг таянчи бўлмиш энергетика соҳасига стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилгани, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада электр энергияси самарадорлигини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Учрашувда соҳада эришилган ютуқлар эътироф этилиб, энергетика тизимидаги кўрсаткичларни янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Akorda.kz.



## ТУРКИСТОНДА «ОИЛА» ИСТИРОҲАТ БОҒИ ОЧИЛДИ

Туркистон шаҳри ҳокими Нурбўл Турашбеков «Ясси» шўъбаси аҳолиси билан учрашув чоғида фуқаролар ҳордиқ маскани қуришни сўраган эди. Бугунги кунда мурожаатлар асосида тизимли ишлар олиб борилиб, мазкур тармоқда «Оила» истироҳат боғи барпо этилди.



Янги боғнинг умумий майдони 0,44 гектарни ташкил қилади. Унинг ҳудудида 3785 квадрат метр пиёдалар йўлаклари ва 386 квад-

рат метр махсус велосипед йўлаклари мавжуд. Шунингдек, бу ерда аҳоли ўйингоҳ ва болалар майдончасидан фойдаланиши

мумкин. Майсазор майдони-га 150 туп дарахт ва 300 туп гул кўчатлари экилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## БИР ДИЁРКИ, АНДА СУНБУЛУ РАЪНО...

Кентов шаҳрининг марказий кўчаларига 2 минг туп лола экилди. Шаҳарнинг Х. А. Ясавий хиёбони ва С. Сейфуллин кўчасида лола кўчатлари ўтказилди. Келгусида бу ишлар шаҳар «Жасыл қала» ДКК томонидан давом эттирилади.



Шаҳар ҳокими Жандўс Тасов фармойиши билан шаҳар ва шаҳарга қарашли қишлоқларда шанбалик ўтказилди.

Ободончилик тадбирига шаҳар ҳокимлигидаги идора ва муассасалар, жамоат ишларига сафарбар этилган фуқаролар ўз хиссасини қўшдилар. Шанба куни ҳар бир муассаса ўзига бириктирилган ҳудудда тозалаш ишларини олиб борди.

2023 йил баҳорида шаҳарда 33440 туп кўчат ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ВИЛОЯТ ФУТБОЛЧИЛАРИ – ЧЕМПИОН

Шимкентда 2007-2008 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий, СССР спорт устаси Махамбет Сапарбаев хотирасига бағишланган халқаро турнир якунланди.

Туркистон вилояти шарафини юқори савияда ҳимоя қилган вилоят футбол мактаби тарбияланувчилари

барча рақибларини мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Бу ғалаба малакали етакчи Даулетияр Алиев бошчилигидаги Туркистон вилояти ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар футбол мактаби жамоасининг ёрқин ғалабасидир.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



## ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Туркистон вилоят ҳокими ўринбосари Ермек Кенжеханули махсус хизмат сафари билан Тўлебий туманига борди. Ташриф доирасида туман ҳокими Тўлеген Тўрталий ҳамроҳлигида чорвадорлар билан учрашиб, амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишди.



У Кемеқалған қишлоғидаги “Қазирт боғлари” ишлаб чиқариш ширкати ташриф буюриб, боғбонларнинг янги боғлар яратишдаги тажрибаси билан танишди. Улар томонидан барпо этилаётган интенсив боғлар бугунги кунда нафақат оилалари даромадининг ошишига, фаровонликка, балки вилоят иқтисодиётининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Кемеқалған қишлоқ округида ҚМШ (қишлоқ матлубот ширкати) 1,5 млн. кубометрли сув омбори барпо этгандан буён соҳибкорлар ҳар йили 25-30 гектаргача пакана ва ярим пакана мевали боғларни бунёд қилишмоқда. Ҳозир боғларнинг умумий майдони 186 гектарни ташкил қилади. Келгуси йил яна 25 гектар интенсив боғ барпо этиш режалланмоқда. Боғдорчилик лойиҳасининг смета баҳоси 850 млн. тенге, йил сўнгигача яна 700 млн. тенге ажратилади. Италиялик сармоядорлар ҳисобидан консерва заводи қурилади.

ни, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганини инобатга олсак, «ақлли» қишлоқ ҳўжалигининг аҳамияти нақадар юксаклигини англаб етамиз, – деди А. Қайипбеков.

Ермек Кенжеханули туман ҳудудида амалга оширилаётган йирик сармоявий лойиҳалардан бири – Зертас қишлоғидаги «АйМар қўс» МЧБнинг паррандачилик фермаси қурилиши билан танишди. Лойиҳа амалга оширилса, 72 млн. донна тухум етиштирилиб, 75 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

220 минг бошдан бошланиб, кейинчалик 660 минг бошга кўпайтиришни мақсад қилган сармоявий лойиҳа вилоятда паррандачиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари Қўксак қишлоғидаги “АДС Агро” МЧБга қарашли мол бў-



Тадбиркор Асет Қайипбеков билан суҳбатда у олмадан табиий шарбат ишлаб чиқариш цехи очиш ниятида эканини, эндиликда эса мева сақлаш омбори қурилиши бошлаганини айтиди, ҳоким муовуни омбор қурилиши билан яқиндан танишди.

доқилаш майдонига борди. Айтилган шартларга асосан табиий шарбат ишлаб чиқариш цехи очиш ниятида эканини, эндиликда эса мева сақлаш омбори қурилиши бошлаганини айтиди, ҳоким муовуни омбор қурилиши билан яқиндан танишди.

Ермек Кенжеханули туманга хиз-



– Тажрибали боғбонлар туманда ҳозир ҳам етарли. Улар туманнинг боғдорчилик билан боғлиқ илгариги довуғини тиклаш ҳаракатида. Давлат раҳбари «ақлли» қишлоқ ҳўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни омма-лаштиришни топширди. Бу туманда боғдорчиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтарилади. Аҳолининг йилдан йилга кўпайиб бораётгани-

мат сафари чоғида маҳаллий аҳоли билан учрашиб, “Қишлоқ омонати” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан аҳолининг талабларини тинглади, ўз бизнесини ривожлантиришга бел боғлаган чорвадорларни дастурнинг афзалликлари ва имкониятлари билан таништирди.

Б. ДЎСМАТОВА.

## • Янги Қозоғистонни бирга қурамыз

Ҳамқишлоқларим қизгин қўллаб-қувватлаб, 19 март куни ўтган сайлов якунларига кўра, мен Қарноқ қишлоғидан Кентов шаҳар маслаҳатига депутат этиб сайландим. АМАНАТ партиясидан номзод сифатида сайловолди дастурида белгиланган барча ва-зифаларни ёруғ юз билан адо этаман ва бунга ишончим комил.

Бунга қадар ҳам Қарноқ қишлоғида кўп хайрли ишларни ҳамқишлоқларим билан бирга ҳамкорлик-

## ҚАРНОҚ АҲЛИГА ТАШАККУР

да амалга оширганмиз. Бу ҳақда “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида батафсил баён этилган. Келгусида бажариладиган ишлар кўлами залворли. Ўзим доимий жамоатчи бўлган “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ме-ларни ҳамқишлоқларим билан бирга ҳамкорлик-

Халқ манфаати, қадим Қарноқ равнақи учун галдаги залворли ишлар сари олга, кадрли юртдошлар.

Бекзод ҲАБИБОВ,  
Кентов шаҳар  
маслаҳатининг депутати,  
Қарноқ қишлоқ ўзбек  
этномаданият  
бирлашмаси раиси,  
Қозоғистон Халқ  
Ассамблеяси аъзоси.



## ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА КИМЛАР САЙЛАНДИ

йилда туғилган, “Авторемстрой” МЧБ директори, Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғи;

10-сайлов округидан – Шакимергенкизи Нурайим, 2000 йилда туғилган, “Ecosana” директори, Шимкент шаҳри, Қоратов тумани;

11-сайлов округидан – Қўзибақов Нурлан Жамалбекули, 1966 йилда туғилган, “Шимкент Аутлет” МЧБ директори, Тўлебий тумани, Қасқасу қишлоғи;

12-сайлов округидан – Аширбеков Ханай Асанович, 1985 йилда туғилган, тадбиркор, Ленгер шаҳри;

13-сайлов округидан – Аширов Нуржан Сапабекович, 1961 йилда туғилган, “Сапа-2002” МЧБ директори, Шарбулақ аҳоли манзили;

14-сайлов округидан – Райимбеков Ғани Ахилбекович, 1980 йилда туғилган, “Асем Курыльс Строй” МЧБ директори, Ўрдабоши тумани, Бадам қишлоғи;

15-сайлов округидан – Қўсмамбетов Ержан Тўлебекович, 1978 йилда туғилган, Алмати шаҳар бокс федерацияси президенти, Арис шаҳри;

16-сайлов округидан – Серманизов Бахитжан Қипшақбаевич, 1969 йилда туғилган, “Хамит” бошқаруви раиси, Чордара шаҳри;

17-сайлов округидан – Салимов Алмас Алтаевич, 1970 йилда туғилган, “Шик-Трейд” МЧБ таъсисчиси, Сарюғоч тумани;

18-сайлов округидан – Рахиев Уалихан Рисбекович, 1969 йилда туғилган, “Евроремонтсервис” МЧБ директори, Шимкент шаҳри;

20-сайлов округидан – Қанаев Жарқинбек Ережепович, 1971 йилда туғилган, “Халық Мақта” МЧБ дирек-

торининг ўринбосари, Атакент қишлоғи;

21-сайлов округидан – Қурақбаев Жақсибай Булатович, 1989 йилда туғилган, “Tulpar May” МЧБ директори, Атакент қишлоғи;

22-сайлов округидан – Қаржауов Талғат Рахматуллаевич, 1987 йилда туғилган, “РОСАЗИЯНЕФТЬ» МЧБ директори, Жетисай тумани, Асиқата қишлоғи;

23-сайлов округидан – Ералиев Ербўл Жўлдасбаевич, 1971 йилда туғилган, “Нўрлы жол-Ж” ширкат ҳўжалиги раиси, Жетисай тумани, Асиқата қишлоғи.

Сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, партиялар қуйидагича овоз олган:

1. Amanat партияси – 342361 ёки 56,9 фоиз овоз;

2. “Ауыл” халқ-демократик ватанпарварлик партияси – 95668 ёки 15,9 фоиз овоз;

3. “Ақ жол” Қозоғистон демократик партияси – 93262 ёки 15,2 фоиз;

4. Respublika партияси – 30686 ёки 5,1 фоиз;

5. Қозоғистон Халқ партияси – 19254 ёки 3,2 фоиз;

6. “Байтақ” Қозоғистон яшиллар партияси – 11432 ёки 1,9 фоиз овоз.

Беш ёки ундан кўп овоз тўплаган сиёсий партиялар ўртасида мандатлар қуйидагича тақсимланди: Amanat партияси – 14, “Ауыл” халқ-демократик ватанпарварлик партияси – 4, “Ақ жол” Қозоғистон демократик партияси – 4, Respublika партияси – 1.

Вилоят сайлов комиссияси маълумотлари асосида.

## ВИЛОЯТГА ЯНГИ ИМОМ ТАЙИНЛАНДИ



Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси Науризбай Ҳожи Тағанулиннинг буйруғи билан Ержан Тўлепов Туркистон вилоятининг бош имоми этиб тайинланди.

ҚМДБ раисининг ўринбосари, ноиб муфтий Сансизбай Ҳожи Қурбанули Туркистон шаҳридаги вилоят марказий масжидида ходимларга бош имомни таништирди ва Бош муфтийнинг буйруғини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, у бош имомнинг дин соҳасидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Таъкидлаш жоизки, Ержан Тўлепов илгари бир неча вилоятларда имомлик лавозимларида ишлаган. У қатор мадрасаларда дарс берган. 2016 йилдан 2023 йилгача Алмати шаҳридаги Абай Қунабаев номли масжиднинг имоми эди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

## “АҚЛЛИ” ФЕРМА ИХТИРОЧИСИ

Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши баробарида турли “ақлли” буюмлар ҳам кўпаймоқда. Улардан бири – “ақлли” ферма. Унинг илмий лойиҳасини Тўлебий туманидаги 6-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Елдўс Елу ишлаб чиқди, дея хабар беради ҚР Маориф вазирлигининг матбуот хизмати.

Елдўсининг макет шаклидаги “ақлли” фермасида иш жараёни автоматлаштирилган. Фермадаги иш жараёни масофадан бошқарилади, фермернинг ишини осонлаштириш унинг вақтини тежаш имкониятини беради. Лойиҳани амалга ошириш учун ўқувчига информатика фани ўқитувчиси Айғул Шахаманова ёрдам берган.

Ультратовушли ускуна одам ёки молнинг “ақлли” фермага яқинлашганини сезиб, серводатчик ёрдамида шлагбаум кўтарилиб, бир неча сониядан кейин ёпилади. Фермадаги датчиклар орқали ишлайдиган ускуналар молларга вақтида ем-хашак,



сув бериб, тунги чиқоқларни ёқади, зарурат бўлса, молларни югуртиради. “Ақлли” фермадаги ишни мобил телефонга ўрнатилган дастур орқали бошқариш мумкин, – деди ёш иختирочи.

Елдўсининг лойиҳаси илмий лойи-

ҳалар танловининг туман босқичида 1-ўринга, вилоят босқичида эса 2-ўринга сазовор бўлди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



